



**ЖАМИЯТИМИЗДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БҮЙИЧА  
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ  
ИНСОНПАРВАРЛИК МОҲИЯТИ.**

**Мелибоев Азизжон Низомиддинович**

ҚДПИ ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7657136>

Аннотация: Мақолада Жамиятимизда камбағалликни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг инсонпарварлик мөҳияти, камбағалликка қарши кураш уни бартараф этиш чоралари бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги акс этган

Калит сўз: Камбағаллик чегараси, кам таъминланган оилалар, аҳоли даромади, камбағаллик, камбағаллик даражалари, коронавирус пандемияси, темир дафтари, ёшлар дафтари, аёллар дафтари

Мамлакатимиз Президенти камбағалликни тугатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан қатор Фармон ва қарорларни қабул қилди ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бир қанда Давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш борасида тегишли кўргазмалар бериб келмоқда. Зеро, ҳаётда муносиб яшай олмаган киши ҳеч маҳал давлатдан ҳам бугунги кунидан ҳам рози бўлмайди. Буларни инобатга олиб, мамлакатимизда ҳам тўртта муҳим хужжат ишлаб чиқилиши белгиланган. Булар: «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача «Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси»<sup>1</sup>, «Саноатни ривожлантириш стратегияси», «Камбағалликни қисқартириш дастури» ҳамда 2021 йилдан бошлаб барча ҳудудларда истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдорлар жорий қилинишини кўзда тутилган. Булардан ташқари ҳам камбағалликни қисқартиришга қаратилган анча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли фармони<sup>2</sup> ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 26 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари

<sup>1</sup> <https://sputniknews-uz.com/20191008/EOII-va-JST-Ozbekiston-2030-yilgacha-ijtimoiy-iqtisodiy-rivojlanish-konseptsiyasi-tayorlandi-12575774.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.03.2020 йилдаги ПФ-5975-сон. <https://lex.uz/docs/4776669>



фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди<sup>3</sup>. Ушбу ҳужжатларда самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилди ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда. Аммо масаланинг айrim назарий, услугбий ва амалий муаммоларини борки, уни тадқиқ қилиб тегишли хуласалар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиши тақозо қиласди. Масаланинг бу жиҳати мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

Камбағаллик даражаси қандай белгиланади ва нима билан ўлчанади?

Камбағаллик чегарасини белгилашда БМТ инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий товар ва хизматларни харид қилиш учун етарли бўлган даромадлар миқдорини асос қилиб олади. Бундай товарларга озиқовқат маҳсулотлари, кийим-кечак, туаржой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат кабиларни киритишини тавсия қиласди. Шунга асосан камбағаллик даражасини глобал миқёсда ва ҳар бир мамлакатлар доирасида аниқланади. Чунки ҳар бир давлат ўзининг шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб, камбағалликдан чиқиш масаласини ўzlари белгилаб олади. Бундан ташқари камбағаллик даражаси глобал доирада ҳам аниқланади. Буни асосан ҳозирги шароитда Жаҳон Банки амалга ошириб келмоқда. Булардан келиб чиқиб, хуласа қилинадиган бўлса камбағаллик даражаси, умуман олганда, нисбий тушунча бўлиб, у муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ бўлади.

БМТ маълумотларига қараганда, 1975 йилда дунёда 500 миллион, 1990 йилда салкам 620 миллион аҳоли очарчиликка мубтало бўлган, 1998 йилда 841 миллионга яқин аҳоли тўйиб овқатланишдан маҳрум бўлди. Шунингдек, Ер юзида 700 миллиондан ортиқ одам қашшоқликда кун кечиради. Камбағалликнинг юқори даражаси асосан турли низолар мавжуд бўлган мамлакатларга тўғри келади<sup>4</sup>.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги паст ва қолоқ техникага эга бўлган Африка ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида миллионлаб аҳоли очарчиликдан қутилган эмас.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.03.2020 йилдаги ПҚ-4653-сон.  
<https://lex.uz/docs/4776766>

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – Б. 437.



# THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



Коронавирус пандемияси туфайли дунёдаги миллионлаб корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини тўхтатгани 2 миллиард 700 миллион ишчига таъсир кўрсатди. Жаҳонда камбағал аҳоли сони қарийб 2 бараварга ёки 500 миллион кишига кўпайиш хавфи юзага келди<sup>5</sup>.

Берилган расмий маълумотларга кўра, бугунги қунда Ўзбекистонда 4-5 миллион киши камбағаллик чегарасидан пастда яшайди. Бу умумий аҳолининг 12-15 фоизини ташкил қиласди. Яъни ушбу рақамларда ифодаланган аҳолининг кунлик даромади 1,9 АҚШ долларидан ошмайди. COVID-19 бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ<sup>6</sup>.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ҳам карантин туфайли 196 мингта корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми кескин камайган. Карантин туфайли, табиийки, ишсизлар сони ҳам ошган. Буни апрель ойидаги 20 кунлик солиқ тушумларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, қатор вилоятларда 30-40 фоиз, айрим туман ва шаҳарларда эса 50 фоиздан зиёд тушум таъминланмаган. Бундай оғир шароитда давлатимиз томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, бир ой илгари қабул қилган 2 та қарорга асосан, ҳозирга келиб нафақа ва моддий ёрдам оладиган болали оилалар сони 595 мингдан 655 мингга, яъни 60 мингтага кўпайтирилди. Шунингдек, аҳолининг кредитлар бўйича 3 триллион 260 миллиард сўмлик тўловлари муддати узайтирилди. Карантин даврида Бандликка қўмаклашиш жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан 141 минг 800 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, уларга 43 миллиард 225 миллион сўм иш ҳақи тўлаб берилди. Шу билан бирга, Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари томонидан 219 минг оиласа озиқ-овқат ва санитария-гигиена маҳсулотлари тарқатилди.

Бироқ, шу билангина чекланиб қолиб бўлмайди. Кун сайин ўзгараётган вазият аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолининг томорқа майдонларида бозорбоп экинлар экишни таъминлашга кўрсатма бергани ҳам бежиз эмас. Мақсад қамбағаллик кўламини камайтириш ва мамлакатда озиқ-овқат танқислиги юзага келишининг олдини олиш. Шунинг учун 8 апрель куни ўтган видеоселекторда Шавкат Мирзиёев бу йилги мураккаб вазиятни

<sup>5</sup> Дунё очарчилик остонасида... ми? <https://aza.uz/uz/posts/25-04-2020>.

<sup>6</sup> Халқаро камбағаликка барҳам бериш куни: қашшоқлик, пандемия ва Ўзбекистон. <https://bugun.uz/2021/10/17>.





# THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

## International scientific-online conference




ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда коронавирус пандемияси туфайли ойлик даромади 2 млн сўмгача бўлган уй хўжаликлари улуши 8 фоиздан 21 фоизгача қўпайган, дея маълум қилинади Марказий банк ўтказган аҳоли даромадлари сўровномасида.

Сўровномада ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан турли хил фуқаролар — талабалар ва тадбиркорлардан тортиб, нафақахўрлар ва давлат хизматчилари гача бўлган 6987 нафар киши қатнашди.

Хусусан, уй хўжалиги ўртача даромади 2 миллион сўмгача бўлганлар сони деярли уч бараварга қўпайди — 8 фоиздан 21 фоизгача. Даромадлари 2 миллиондан 4 миллионгача бўлган уй хўжаликлари сони 39 фоиздан 35 фоизгача, даромадлари 4 миллиондан 6 миллион сўмгача бўлганлар сони эса 31 фоиздан 22 фоизга тушди. Шу билан бирга, ўртача даромади 6 млн сўм ва ундан юқори бўлган уй хўжаликлари сони 22% дан 23% га ошди<sup>8</sup>.

**Уй хўжаликларининг ўртача ойлик даромадлари**



Манба: Марказий банк

Жами сўров қилингандардан 56 фоизи пандемия шароитида уларнинг уй хўжалиги даромади камайган деб жавоб беришди, 21 фоизи эса пандемия уларнинг оиласи даромадларига таъсир қилмаганини билдириди. Шу билан бирга, 15 респондентлар улар даромадсиз қолганликларини маълум қилишди, яна 7 фоизи жавоб беришгаша қийналди ҳамда 2 фоизи эса оила даромади қўпайганини айтишди.

Пандемия муносабати билан мамлакатимизда карантин чоралари кучайтирилган, эҳтиёжманд оиласаларни манзилли қўллаб-қувватлаш зарурати ошган вақтда Президент ташаббуси билан жорий этилган «темир дафтар»лар иш берди, давлат ёрдамини йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун асос бўлди, катта натижа берди.

<sup>7</sup> Дунё очарчилик остонасида... ми? <https://uz.aуз/uz/posts/25-04-2020>.

<sup>8</sup> Пандемия сабабли камбағаллар сони кўпайиб, бойлар сони камайди. <https://www.gazeta.уз/uz/2020/07/23/wellbeing/>

Хозирда «темир дафтар»лар оилаларни камбағаллиқдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қилди.

Ўтган давр мобайнида “Темир дафтар”га 594,9 минг оила ва уларнинг 2,5 миллион нафар аъзоси, шундан 659,1 минг нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзолари киритилган.

Вақтингачалик тартиб асосида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 654,6 минг нафар ишсиз аъзолари бандлиги таъминлаш орқали 543,3 минг оила (91 фоиз) рўйхатдан чиқарилди.

Дафтарларга киритилган эҳтиёжманд аҳоли вакилларини қўллаб-куватлаш мақсадида маҳсус жамғармалар ташкил этилди.

Мазкур жамғармаларда 851,9 миллиард сўм маблағ тўпланди. Унда “Темир дафтар”га киритилган оилалар учун 399,4 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилганлар учун 223,1 миллиард сўм ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганлар учун 229,4 миллиард сўм маблағлар жамғарилган.

Таъкидлаш керакки, 2021 йилнинг январь – май ойлари давомида “Темир дафтар”га киритилган оилаларга 156,6 миллиард сўмлик ёрдамлар кўрсатилган. Жумладан, 19,2 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 30,4 миллиард сўмлик пул маблағлари, 6,5 миллиард сўмлик дори-дармон воситалари, 3,5 миллиард сўмлик чорва моллари, 12,7 миллиард сўмлик парранда, тадбиркорлик қилиш учун 27,6 миллиард сўмлик асбоб-ускуналар ва 56,4 миллиард сўмлик бошқа ёрдамлар кўрсатилган.

Хозирги кунда 3 та жамғармада 434,9 миллиард сўм маблағ жумладан, “Темир дафтар”га киритилган оилалар учун 128,3 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилганлар учун 145,6 миллиард сўм ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганлар учун 160 миллиард сўм маблағлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Темир дафтар”ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича вақтингачалик тартиб тасдиқланди.



# THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



Унга кўра, “Темир дафтар”га киритилганларга қуидаги йўналишларда ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Томорқада енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишини йўлга қўйиш, “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш, деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ердан 0,1 гектардан 1 гектаргacha ер бериш, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнес лойиҳалар тузишни ўргатишда ёрдам берилди.

Хозирги кунда “Темир дафтар” ([saxovat.argos.uz](http://saxovat.argos.uz)) ахборот-таҳлил тизимидағи маълумотларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизим ва маълумотлар базалари ҳамда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” билан интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда<sup>9</sup>.

«Ёшлар дафтари»га 18-30 ёшгача бўлган йигит қизлар киритилса, «аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган аёллар киритилди. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилди<sup>10</sup>.

Камбағаллик даражасини ҳисоблашнинг кенг тарқалган усули бу инсон учун кунлик зарур бўлган минимал озиқ-овқат маҳсулотлари калорияси нархи асосида минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш<sup>11</sup> ва унинг монетар чегарасини аниқлашdir.

## Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.<https://sputniknews-uz.com/20191008/EOII-va-JST-Ozbekiston-2030-yilgacha-ijtimoiy-iqtisodiy-rivojlanish-kontseptsiyasi-tayorlandi-12575774.html>
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.03.2020 йилдаги ПФ-5975-сон. <https://lex.uz/docs/4776669>
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.03.2020 йилдаги ПҚ-4653-сон. <https://lex.uz/docs/4776766>
- 4.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – Б. 437.
5. Дунё очарчилик остонасида... ми? <https://uza.uz/uz/posts/25-04-2020>.

<sup>9</sup> Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича ишлар қандай натижа бермоқда? <https://uza.uz/uz/posts/>

<sup>10</sup> Иноятов У. Камбағалликни қисқартириш тактикаси. Халқ сўзи газетаси. 13 Октябр 2020. <https://xs.uz/uzkr/post/>

<sup>11</sup> O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 27.08.2021 yildagi 544-son. <https://lex.uz/docs/-5606697#-5613242>





- 6.Халқаро камбағаликка барҳам бериш қуни: қашшоқлик, пандемия ва Ўзбекистон. <https://bugun.uz/2021/10/17>.
7. Дунё очарчилик остонасида... ми? <https://uza.uz/uz/posts/25-04-2020>.
- 8.Пандемия сабабли камбағаллар сони кўпайиб, бойлар сони камайди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/23/wellbeing/>
- 9.Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича ишлар қандай натижа бермоқда? <https://uza.uz/uz/posts/>
- 10.Musaev, Odil, et al. "Socio-philosophical interpretations of such concepts as" ethnos" and" nation" as social unit."." International Journal of Advanced Science and Technology 29.5 (2020): 1936-1944.
11. ЮСУПОВ, Ахроржон. "CULTURAL, SPIRITUAL AND IDEOLOGICAL FACTORS IN INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF CITIZENS IN SOCIETY." O'zbekiston milliy universiteti xabarlari 1.5 (2022).
12. Юсупов, Ахроп. "СУЩНОСТЬ КОНЦЕПЦИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ГРАЖДАН." Общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история. 2020.
13. Юсупов, А. К. "Роль гражданской активности в демократизации общества." Вопросы политологии 10.9 (2020): 2709-2716.
14. Yusupov, Ahror Kurbanovich. "THE ROLE OF NATIONAL IDENTITY IN INCREASING THE SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF THE YOUTH OF UZBEKISTAN." E-Conference Globe. 2021.
15. Юсупов, Ахроржон, and Баходирхан Кодирхан угли Нуманов. "КИПЧАКИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И ИХ УЧАСТИЕ В ЭТНИЧЕСКОМ ПРОЦЕССА." Ученый XXI века 6-2 (2016).
16. Kurbanovich, Yusupov Akhrorjon. "The Role of National Identity in Increasing the Socio-political Activity of the Youth of Uzbekistan." JournalNX: 177-179.
17. Alimovna, Usmonova Sofiya, and Juraeva Ramziya Abdurahimovna. "THE PLACE OF ETHNOTOPONYMS IN TOPOONYMY." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.09 (2022): 300-303.
18. Abdurakhimovna, Joraeva Ramziya. "Lexical-Semantic Features Of Muqimi's Works." Journal of Positive School Psychology (2022): 138-144.